"КАМОЛОТ"НИНГ КИЧИК КОРХОНАСИ

НАМАНГАН. Ёшларнинг "Камолот" жамғармаси Норин туман бўлими "Бўстон" жамоа хўжалигида кичик корхона очди. Унда тадбиркор А. Асқаров ўндан ортиқ ёшни ишга жалб қилиб, макарон ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Маҳсулот қўшни хўжаликларга ҳам жўнатилмоқда. "Жамғарма Ҳаққулобод шаҳрида пойабзал тузатиш ва тикиш ишларини бажарадиган корхонани ҳам ишга туширди, — деди жамғарма туман бўлими раиси И. Жабборов. — Туманнинг чекка қишлоқларида яна ўнлаб кичик корхоналар очиш ниятимиз бор".

Зоиржон ЮНУСОВ.

"ҚУВА" ҚУРИЛИШИ ЯКУНЛАНЯПТИ

ФАРҒОНА. Қува туманида пахта толасидан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Қува" тўқимачилик мажмуи қурилиши якунланмоқда. Бинога Швейцариядан келтирилган ип-йигирув машиналари, шунингдек, Италия, Германия, Туркиянинг энг замонавий газлама тўқиш ва кийим-кечак тикиш ускуналари ўрнатилди. Корхона ишга туширилгач, унда йилига 2200 тонна тола қайта ишланиб, болалар, аёллар ва эркаклар кўйлаклари ишлаб чиқарилади.

Алишер ИБОДИНОВ.

ҚЎҒИРЧОҚЛАР ТАНЛОВИ

ТОШКЕНТ. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги билан мактабгача тарбия ходимларининг малакасини ошириш курси "Ўзэлектроаппарат" акционерлик жамиятида "Севимли ўйинчоқлар" республика кўрик-танловини ўтказди. Биринчи тур — юмшоқ ўйинчоқлар танловида фарғоналиклар ғолиб бўлишди. Лойдан ясалган ўйинчоқлар тури бўйича жиззахликлар, қоғоздан ўйинчоқ ясаш бўйича эса қорақалпоғистонликлар ҳамда ёғоч ва турли хил чиқиндилардан ясалган ўйинчоқлар тури бўйича Сирдарё вилояти иштирокчилари ҳам танловда яхши ўринларни қўлга киритишди.

Адиба ҒОЙИБОВА.

СЎНГГИ СОНДА

ШОЛИ КАРВОНИ ЮРДИ

ХОРАЗМ. Жорий йилда эл хирмонига 171 минг тонна "қирмизи дон" армуғон этиш ниятида меҳнат қилаётган вилоят шоликорлари дастлабки ҳосил тонналари ортилган карвонни қабул пунктига олиб келишди. Бу қутлуғ карвоннинг сарбони Хонқа тумани шоликорлари эди. Туман меҳнаткашлари бу йил 25 тонналик шоли хирмони уюшни режалаштирганлар. Ана шу улуғ ният йўлида астойдил меҳнат қилинмоқда.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО.

ПАХТА ЎРНИГА МОМИҚ

БУХОРО. Ғиждувон туманидаги "Оқ олтин" жамоа хўжалигида момиқ цехи ишга туширилди. Бу ерда узоқ вақт ишлатилган кўрпа-тўшак пахтаси қайта ишланиб, момиқ ҳолатига келтирилятти. Бу қулайликлар қишлоқ аёлларининг боши осмонга етди.

Даврон БАҲРОНОВ.

КИЙИМ-КЕЧАКЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА

ҚАШҚАДАРЁ. У. Юсупов тумани марказида "Чехра" хусусий кичик корхонаси ташкил этилганига бир ярим йил бўлди. Шу вақт ичида корхона бошлиғи Ч. Турсуновнинг ишбилармонлиги, саъй-ҳаракати туфайли жамоа ишлари анча олға силжиди. Дастлаб бу ерда уч киши ишлаган бўлса, ҳозир уларнинг сони 12 нафарга етди. 9 та тикув машинаси янгитдан ўрнатилди. Кичик корхона цехларида турли кийимлар — костюм-шим, кўйлак, тўн, болалар кийимлари ишлаб чиқарилмоқда.

Илҳом ҚАРОМОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 3 октябрь, пайшанба № 128 (22.049).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

БОБУР КЎРГАН ГИЛОС

ФАРҒОНА. Кўҳна Сўх диёрида тарихий ёдгорликлар, диққатга сазовор жойлар жуда кўп. Заҳириддин Бобур Ҳиндистон юришидан аввал ўзининг Сўхда бир йил яшаганлигини ёзади. Ана шу Сўх туманининг Ҳушёр қишлоғида жуда қадимий гилос дарахти бор. Икки кишининг қулочи етмайдиган улкан бу гилос Сўх кексаларининг айтишича, 500 йилдан бери маълум. Сўх қишлоғилик ёши тўқсонга борган отахон Эсонали бобо Ҳасанов 108 ёшга кириб оламдан ўтган онасининг хотираларига асосланиб бу гилоснинг 500 йилдан ортиқ ёшга эга эканлигига кафолат беради. «Фарғона ҳақиқати» газетасининг ёзишича, умрбоқий бу дарахт мевасидан Бобур Мирзонинг ўзи ҳам тановвул қилган. Бу ажойиб табиат ёдгорлиги тумандаги ноёб мевали дарахтлар рўйхатига киритилган.

(Ўз мухбиримиздан).

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 октябрь куни Америка Қўшма Штатлари Савдо вазирлигининг маслаҳатчиси Ян Калицкини қабул қилди.

— Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги муносабатлар мунтазам ривожланиб бораётганидан мамнунмиз, — деди Президент Ислом Каримов. — Айниқса, мамлакатларимиз ҳамкорлигини равнақ топтириш борасида бир талай ютуқлар қўлга киритилгани диққатга сазовордир.

Ян Калицки Ўзбекистон Президентининг шу йилнинг ёзида Америка Қўшма Штатларига ташрифи давлатларимизнинг икки томонлама муносабатларига улкан ҳисса қўшганини алоҳида қайд этди.

— Сизнинг нафақат АҚШ Президенти Билл Клинтон ва бошқа расмий кишилар билан бўлган учрашувингиз, балки ишбилармон доиралар, айниқса, хусусий сектор вакиллари билан мулоқотларингиз Америка тадбиркорларида жуда катта таассурот қолдирганини алоҳида таъкидламоқчиман, — деди у.

Суҳбат чоғида икки мамлакатнинг савдо-иқтисодий алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Владимир Норов, Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари Қайим Ҳаққулов иштирок этди.

Қабул чоғида Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Стенли Туэмлер Эскудеро ҳозир бўлди.

(ЎзА).

***СУРАТДА:** қабул пайти.*

Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга 2 октябрь куни Белгия Қироллигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Марк Франк ишонч ёрлиғини топширди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Белгия Қироллиги ўртасидаги муносабатлар кундан кунга мустаҳкамланиб бораётганини таъкидлади. Президент Ислом Каримов икки мамлакатнинг ўзаро ҳамкорлик алоқалари янги ривожланиш босқичига қадам қўяётганини қайд этиб, мана шундай масъулиятли дамда Ўзбекистонда ўз фаолиятини бошлаган элчининг ишига муваффақият тилади.

Марк Франк Белгия Қироллиги Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада равнақ топтириш ниятида эканини маълум қилиб, мамлакатларимиз ва халқларимиз дўстлигини мустаҳкамлаш йўлида ўз куч-ғайратини аямаслигини билдирди.

* * *

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Венгрия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Дьёрд Нановски ишонч ёрлиғини топширди.

Ўзбекистон билан Венгрия ўртасидаги алоқалар, савдо-иқтисодий ҳамкорлик аввалдан изчил ривожланиб келган. Шу боис, Ўзбекистон халқи Венгрияни, унинг сифатли товарларини яхши билади ва қадрлайди.

Президент Ислом Каримов бугунги кунда мамлакатларимиз муносабатлари янгича характерда шаклланаётгани ҳамда ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришга эҳтиёж туғилаётганини таъкидлади.

Элчи Дьёрд Нановски мамлакатларимиз ҳамкорлиги, унинг равнақи, икки мамлакат халқлари манфаатига хизмат қилиши ва бу йўлда астойдил саъй-ҳаракат кўрсатишини таъкидлади.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Японияннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Коуичи Обата ишонч ёрлиғини топширди.

Президент Ислом Каримов жаҳонда юқори нуфуз ва алоҳида иқтисодий салоҳиятга эга Япония билан Ўзбекистоннинг муносабатлари тобора мустаҳкамланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг мустаҳкам пойдевори яратилгани ва шу асосда алоқаларимиз янада равнақ топишига ишонч билдирди.

Коуичи Обата икки мамлакат халқлари манфаати йўлида хизмат қилиш ўзи учун улкан шараф эканини қайд этди.

Мамлакатимиз раҳбари элчининг янги шарафли ва масъулиятли вазифасини адо этишда унга омад тилади.

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Владимир Норов иштирок этди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИГА!

Азиз ўқитувчилар, меҳрибон мураббийлар!

Сизларни қасб байрамингиз — халқ таълими куни муносабати билан чин кўнгилдан самимий табриклайман.

Доно халқимиз шарқона эҳтиром билан сизларни УСТОЗ деб эъзозлайди. Зеро, ёшларнинг қалбини уйғотадиган, уларнинг юракларида истеъдод булоқларини очадиган, инсоннинг ўзлигини танитадиган сиз — устозларсиз.

Азиз устозлар! Ватанимиз, заминимиз, дилимиз ва тилимиз мустақил бўлганига ҳам 5 йил тўлди. Ана шу давр ичида тарихимизнинг ўқилмаган саҳифаларидан, маданий ва маънавий меросимиздан ёш авлодни огоҳ этиш, уларда Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатни тарбиялаш, ўзликни англаш, шунингдек, дунё тараққиётидан баҳра олиб давлатимизни ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқадиган ворислар етиштириш борасида сизнинг ҳиссангиз беқиёсдир.

Илму маърифатда, маънавиятда жаҳонга машҳур бўлган шарқона мактабимиз бор. Ана шу улкан дарсхона анъаналарини жаҳон андозалари билан бойитиб, уни такомиллаштириб, ёш авлод онгига сингдириб борсангиз, улардан руҳий ва жисмоний соғлом авлод етиштирсангиз ҳақиқий ватанпарварлик бурчингизни адо этган бўласиз.

Маънавияти юксак, Ватанига содиқ авлодни тарбиялашдек машаққатли, шу билан бирга фахрли фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайман ва барчангизга Оллоҳдан сиҳат-саломатлик, оилангизга тотувлик сўрайман. Шижоат, фидойилик, изланувчанлик сизларнинг ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ СОҲАСИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда таълим тизимини такомиллаштиришга, ёшларимиз онгига миллий ғурур ва истиқлол мафкураси ғоясини сингдиришга қўшган шахсий ҳиссаси ҳамда халқ фаровонлиги ошишига, тинчлик ва барқарорлик сақланишига хизмат қиладиган улкан ишлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

АБДУЛЛАЕВА Саодатжон — Ҳазорасп туманидаги 45-ўрта мактаб ўқитувчиси, Хоразм вилояти

АБДУМАННОНОВ Отақул — Хатирчи туманидаги 26-ўрта мактаб ўқитувчиси, Навоий вилояти

АКРАМОВА Мастурахон Хожихоновна — Марғилон шаҳридаги 16-ўрта мактаб ўқитувчиси, Фарғона вилояти

АМОНОВ Камол — Ургут туманидаги 34-ўрта мактаб директори, Самарқанд вилояти

АРИПОВА Гавҳар Ҳамидовна — Қўқон шаҳридаги 25-ўрта мактаб ўқитувчиси, Фарғона вилояти

ВАФАЕВ Шукурулла Кочкарович — Элликқалъа туманидаги 5-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

ЖЎРАЕВ Барот — Гулистон туманидаги 16-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

ИКРАМОВА Нигора Тураповна — Мирзо Улуғбек туманидаги 120-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

ЙЎЛДОШЕВ Тошпўлат — Пискент туманидаги 28-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти

КРАСИЛЬНИКОВА Любовь Михайловна — Андижон шаҳридаги 43-ўрта мактаб ўқитувчиси

МАМАСОЛИЕВ Йигитали — Денов шаҳридаги 9-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

МИРХОНОВ Ринат Бўриевич — Бухоро шаҳридаги 16-ўрта мактаб директори

НАЗАРОВА Гули — Шўрчи туманидаги 44-мактаб ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

ОЧИЛОВА Анора — Каттақўрғон туманидаги 33-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

РАСУЛОВ Мустафо — Ғузор туманидаги 8-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

СУЛАЙМОНОВ Оринбой — Чимбой туманидаги 4-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

ТОЖИБОЕВ Каримжон — Поп туманидаги 8-ўрта мактаб ўқитувчиси, Наманган вилояти

ТЎРАМУРОДОВ Абдуғаффор — Зомин туманидаги 25-ўрта мактаб ўқитувчиси, Жиззах вилояти

ХАРИТОНОВА Нина Трофимовна — Жиззах шаҳридаги 5-ўрта мактаб ўқитувчиси

ХЎЖАЕВА Мастура Шариповна — Ромитан туманидаги 2-ўрта мактаб ўқитувчиси, Бухоро вилояти

ШАРОПОВА Муҳаббат Араповна — Қарши шаҳридаги 5-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

ШЕРАЛИЕВ Абдураззоқ — Норин туманидаги 11-ўрта мактаб ўқитувчиси, Наманган вилояти

ЮСУПОВ Азизжон — А. Икромов туманидаги 197-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

ЎРИНБОЕВ Мамашариф — Шаҳрихон туманидаги 13-ўрта мактаб ўқитувчиси, Андижон вилояти

ҚАЮМОВА Шоҳида Рашидовна — Тошкент туманидаги 6-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти

ҚОДИРОВА Шарифа Қодировна — Гулистон шаҳридаги 9-ўрта мактаб директори, Сирдарё вилояти

ҚУРБОНБОЕВА Амина — Гурлан туманидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Хоразм вилояти

ҲАМРОЕВ Шуҳрат — Нурота туманидаги 18-ўрта мактаб ўқитувчиси, Навоий вилояти

Ёшларга таълим бериш, жисмонан ва руҳан соғлом авлодни камол топтириш, уларни ватанпарварлик, она-Ватанга муҳаббат, содиқлик ҳамда порлоқ келажак эгалари эканликларига қатъий ишонч руҳида тарбиялаш учун энг яхши моддий ва ахлоқий муҳитни таъминлашда Ўзбекистон давлати ва халқи олдидаги жуда катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

1-ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

АБДУҒАНИЕВА Ханипахон — Учқўрғон туманидаги 24-ўрта мактаб директори ўринбосари, Наманган вилояти

АЗИМБОЕВА Муҳаббат Абдурахмоновна — Самарқанд вилояти сил касалликлари шифохонасининг «Йўлдош» мактаби ўқитувчиси

БАҲОДИРОВА Валентина Григорьевна — Қамаши туманидаги «Меҳрибонлик уйи» ди-

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

1996 йил 1 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раислигида Миллий Хавфсизлик Кенгашининг навбатдан ташқари мажлиси бўлди.

Кенгашда қўшни Афғонистон ислом давлатида «Толибон» ислом ҳаракати мамлакат пойтахти Кобулда ҳокимиятни эгаллаб олгани натижасида вужудга келган ташвишли ҳарбий-сиёсий вазият кўриб чиқилди.

Кенгаш мажлисида Афғонистондаги уруш 17 йилдан зиёдроқ давом этаётгани ва бу уруш 1989 йилда собиқ СССР қўшинлари бутунлай олиб чиқиб кетилгандан кейин ҳам тўхтамаган ниҳоятда катта ташвиш уйғотаётгани қайд этилди. У ерда турли сиёсий-этник гуруҳлар ва ҳаракатлар ўртасида ҳокимият учун уруш кетмоқда ва бу уруш туфайли жафокаш афғон халқи жабр тортмоқда.

Ўзбекистон бу мамлакатда терроризм, гиёҳвандлик, инсон ҳуқуқларининг бузилиши авж олганидан жиддий ташвишланмоқда.

Мажлис иштирокчилари ўз нутқларида Ўзбекистон раҳбарияти Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар минбаридан бир неча марта Афғонистонга қурол-яроғ ва ўқ-дориларни етказиб беришни тақиқлаб қўйиш ташаббуси билан чиққанига эътиборни қаратдилар. Ўзбекистоннинг бу ташаббусларини БМТ аъзолари бўлган кўп давлатлар, Раббоний тарафдорларидан ташқари, халқаро жамоатчилик кенг қўллаб-қувватлади.

Кенгаш мажлисида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси БМТ қоидаларига, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва хавфсизлик ишига, қўшни мамлакатларнинг ички ишларига аралашмасликка қаратилган тинчликсевар ташқи сиёсатни изчиллик билан ўтказишга содиқлиги ва Афғонистондаги можарони тинч йўл билан бартараф этиш тарафдори экани ҳам таъкидланди.

Кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

АФҒОНИСТОНДАГИ ВОҚЕАЛАР ХУСУСИДА

Бугунги кунда Афғонистондаги воқеалар бутун жаҳон жамоатчилигининг диққат-марказида турибди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг махсус мажлислари шу воқеаларга бағишланди. Шунинг учун ҳам жаҳон мамлакатларининг кўпчилигида оммавий ахборот воситалари Афғонистон ва унинг теварагидаги вазиятга асосий эътибор бераётгани табиий ҳолдир.

Ўзбекистон Республикаси Миллий Хавфсизлик Кенгашининг навбатдан ташқари мажлисида Афғонистондаги мавжуд ташвишли вазият муҳокама қилинди.

Мажлисда Афғонистондаги сўнгги воқеалар, энг аввало «Толибон» ислом ҳаракати Кобулни эгаллагани, бу ҳаракат иштирокчиларининг таъсири мамлакатнинг жуда кўп жойига тарқалгани ҳамда босиб олинган ҳудудларда диний мутаассиблик тақозо этаётган бошқарув тажрибаси ҳамда турмуш тарзини зўрлик билан жорий этиш Афғонистонда ҳарбий-сиёсий вазиятнинг жиддий равишда чигаллашишига, шунингдек, Марказий Осиё минтақасида ва бутун дунёда жўғрофий-сиёсий ва ҳарбий стратегик вазиятнинг мураккаблашишига олиб келиши мумкинлиги таъкидланди...

Толибларнинг хатти-ҳаракатлари сиёсий курашнинг маърифий усуллари доирасидан ташқаридадир. Улар ўз сиёсий рақибларидан ғайриқонуний йўл билан жуда тезкор ўч олишни авж олдиргани ўта шафқатсизлик ҳисобланади.

Толиблар Кобулдаги БМТ ваколатхонаси ҳудудига бостириб кириб, Нажибулло, унинг оила аъзолари ва тарафдорларини ваҳшийларча ўлдирдилар, уларнинг жасадини дафн этмай, шаҳар марказида ҳамманинг кўриши учун қолдириб, таҳқирладилар. Бу ваҳшийлик ўрта асрдаги даҳшатли даврда эмас, бугунги кунда — XXI аср бусағасида содир бўлганини тасаввур этиш қийин.

Толибларнинг инсон ҳуқуқларини кескин чеклашга қаратилган ҳаракатларини изоҳлаб бўлмайди. Улар хотин-қизларнинг рўмол ўрамай ва тан маҳрам ҳамроҳ бўлмаган ҳолда кўчага чиқишини, мактабда ўқишини, ижтимоий фойдали иш билан шуғулланишини тақиқлаб қўйишган. Улар ўрнатган тартиб бўйича аҳолининг европача кийинишига, эркакларнинг эса соқол олдиришига йўл қўйилмайди. Ҳозирги кунда Кобул кўчаларида толиблар ўрнатган тартибни бузишга ботинган аёллар ва эркакларни калтаклаш ҳоллари қайд этилмоқда.

Раббоний ҳукумати қўшинлари, шунингдек, урушнинг узоқ давом этаётганидан ночор аҳволга тушиб қолган маҳаллий аҳоли толибларга тегишлича қаршилик кўрсатолмаётгани алоҳида ташвиш уйғотади.

Ҳозирги урушнинг афғон халқи манфаатларига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бу уруш турли уруғ-аймоқларнинг, жиноий тўдаларнинг ўз таъсир доирасини кучайтириш ва ҳокимиятни қўлга олиш учун очиқдан-очиқ курашига айланиб кетди.

Бу жафокаш мамлакат аҳолисининг кўп қисми тинч меҳнатдан маҳрум бўлиб, турмуш учун зарур воситалар асосан қурол кучи билан қўлга киритилишига кўникиб қолгани — Афғонистонда оғир вазият вужудга келаётганининг сабабларидир биридир. Мамлакатда таъсирчан ва кучли марказий ҳокимият йўқ. Жуда кўп қуролли тузилмалар парчаланиб, ўзларининг қабиҳ мақсадлари йўлида ўз ҳолича ҳаракат қилмоқда.

Ғарбдаги оммавий ахборот воситаларининг ёзишича, Афғонистонда содир бўлаётган воқеалар Тожикистондаги бугунги кундаги хавфли ҳарбий-сиёсий вазиятни янада чигаллаштириши мумкин.

Ўзбекистон қўшни давлатларда юз бераётган вазиятга бефарқ қараб тура олмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Афғонистонга қурол-яроғ етказиб беришни тақиқлаб қўйиш тўғрисидаги таклифни бир неча бор ўртага қўйди. Ўзбекистоннинг бу ташаббусини халқаро ҳамжамият, шу жумладан АҚШ, Россия, Европадаги кўп давлатлар кенг қўллаб-қувватлади. Айни пайтда бу таклифнинг аҳамиятини Президент Раббоний ва унинг тарафдорлари англаб етмадилар.

Ўзбекистон раҳбарияти бошқа манфаатдор давлатлар билан биргаликда тегишли маслаҳатлашув ва учрашувлар ўтказмоқда, мазкур можарони тинч йўл билан бартараф этишга кўмаклашиш юзасидан зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ СОҲАСИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

ректори, Қашқадарё вилояти

БОЗОРБОЕВА Раъно — Мирзачўл туманидаги 5-ўрта мактаб ўқитувчиси, Жиззах вилояти

ВОЙИДОВ Исмоил — Навоий шаҳридаги 3-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқитувчиси

ЖАЛОЛОВА Ҳавохон — Денов туманидаги 6-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

ЖУМАЕВА Гулсора Жўраевна — Қумқўрғон туманидаги 49-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

ЖЎРАҚУЛОВ Ҳайитбой — Дўстлик туманидаги 10-мактаб ўқитувчиси, Жиззах вилояти

ҚУТЛИМУРАТОВ Аймурат — Тахиатош шаҳридаги 3-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

МАМУТОВА Венера Ҳамидовна — Уйчи туманидаги 6-ўрта мактаб ўқитувчиси, Наманган вилояти

МЕЛИҚУЛОВА Махпират — Ўзбекистон туманидаги 16-ўрта мактаб ўқитувчиси, Фарғона вилояти

НАРЗИЕВА Бахшанда Насуллаевна — Бухоро туманидаги 3-ўрта мактаб ўқитувчиси

НОЗИМОВ Нусратилло Шарофуддинович — Ғиждувон шаҳридаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Бухоро вилояти

ОБИДЖОНОВА Нафиса Обидовна — Андижон туманидаги 8-ўрта мактаб ўқитувчиси, Андижон вилояти

ОЧИЛОВ Ҳамрокул — Китоб туманидаги 4-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

РУЗМЕТОВА Дилбар Курбоновна — Шайхонтоҳур туманидаги 92-мактаб ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

СУЛТАНОВА Муҳаббат — Оққўрғон туманидаги 6-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти

ТАГАЕВА Севараой Ҳасановна — Конимех туманидаги 9-ўрта мактаб ўқитувчиси, Навоий вилояти

ТАНИБЕРДИЕВА Ўғилжон — Бекобод туманидаги 9-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти

ТУРДАЛИЕВ Сирожиддин — Қува туманидаги 42-ўрта мактаб ўқитувчиси, Фарғона вилояти

УСМОНОВ Мўминжон Нўъмонович — Оқ олтин туманидаги 5-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

ХАЖИЕВА Жамила Менглиевна — Тўрткўл шаҳридаги «Бойчечак» болалар боғчаси тарбиячиси, Қорақалпоғистон Республикаси

ХУДАЙБЕРГАНОВА Эркиной — Янгибозор туманидаги 9-лицей интернат директори ўринбосари, Хоразм вилояти

ЧУДНАЯ Наталья Ивановна — Жума шаҳридаги 21-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

ШЕПЕТОВА Любовь Дмитриевна — Сирғали туманидаги 2-мактаб ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

ЯКУБОВА Айдин Шукуровна — Урганч шаҳридаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Хоразм вилояти

ҒАЙБУЛЛАЕВА Каромат — Ховос туманидаги 25-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

ҒАНИЕВ Одилжон — Шаҳрихон шаҳридаги 10-ўрта мактаб ўқитувчиси, Андижон вилояти

2-ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

АБДИГАПБАРОВ Сапарбай — Нукус шаҳридаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори, Қорақалпоғистон Республикаси

АБДУЛЛАЕВ Эргаш — Ўрта Чирчиқ туманидаги 16-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти

АБДУЛЛАЕВА Санобар — Олтинсой туманидаги 22-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

АДАМБЕКОВА Гулнора — Ҳамза туманидаги 216-мактаб ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

АЛТИНБАЕВ Салмурза — Дружба шаҳридаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Хоразм вилояти

БЕКМЕТОВ Қадамбой — Янгиариқ туманидаги 5-ўрта мактаб ўқитувчиси, Хоразм вилояти

ВАСЬКОВ Виктор Николаевич — Бекобод шаҳридаги 17-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти

ДАДАБОЕВА Маликахон Усмоновна — Янгиқўрғон туманидаги 9-ўрта мактаб ўқитувчиси, Наманган вилояти

ЖАББОРОВА Барно — Оқдарё туманидаги 38-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

ЖАЛОЛОВА Маҳбубахон — Ширин шаҳридаги 2-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

ЖЎРАЕВА Муборак Саттаровна — Асака шаҳридаги 8-ўрта мактаб ўқитувчиси, Андижон вилояти

КАРАНОВ Абдишарип — Ангор туманидаги 13-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

КАРИМОВА Фарида Рўзмоновна — Қарши туманидаги 5-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

МИРЗААҲМЕДОВ Муҳаммад — Тошлоқ туманидаги 19-ўрта мактаб ўқитувчиси, Фарғона вилояти

МИРЗАЕВА Салимахон — Ёзёвон туманидаги «Гулбаҳор» болалар боғчаси тарбиячиси, Фарғона вилояти

МИРЗАҚУЛОВ Баҳодир Хатамович — Пахтакор туманидаги 13-ўрта мактаб ўқитувчиси, Жиззах вилояти

НИЗОМОВА Мавлуда Тожибоевна — Улуғнор туманидаги 13-ўрта мактаб ўқитувчиси, Андижон вилояти

НОРМАМАТОВ Хасан — Қизириқ туманидаги 6-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

ПАРПИЕВА Қўйсиной Сайдалиевна — Гулистон туманидаги 14-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

ПЎЛАТОВА Барака — Касби туманидаги 7-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

РАҲМОНОВ Маҳмуджон — Мингбулоқ туманидаги 11-ўрта мактаб тарбиявий ишлар ташкилотчиси, Наманган вилояти

СУЛЕЙМАНОВА Шайра — Мирзо Улуғбек туманидаги 112-ўрта мактаб директори, Тошкент шаҳри

ТАГАЕВ Элмурот Қаландарович — Иштихон туманидаги 35-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

УМАРОВА Мавлуда Абдуназаровна — Чортоқ туманидаги 29-ўрта мактаб ўқитувчиси, Наманган вилояти

ХАЛИМОВА Хусния Олимовна — Навоий шаҳридаги 64-болалар боғчаси тарбиячиси

ҲАМРОЕВ Умрзоқ Ганжиевич — Қорақўл туманидаги 38-ўрта мактаб ўқитувчиси, Бухоро вилояти

ХАСАНОВА Руяб — Яккабоғ туманидаги 83-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

ХОЖАБАЕВ Жумабай — Хўжайли туманидаги 22-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

ХУДАЙБЕРГАНОВА Зайнаб Аминовна — Хива туманидаги 9-ўрта мактаб ўқитувчиси, Хоразм вилояти

ШАРОФОВ Тошпўлат — Қизилтепа туманидаги 29-ўрта мактаб ўқитувчиси, Навоий вилояти

ШОДИЕВА Рахна Қодировна — Бухоро шаҳридаги 17-ўрта мактаб ўқитувчиси

ШОНИЯЗОВА Бибижон Юсуповна — Фориш туманидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Жиззах вилояти

ЭРГАШЕВА Дилбар Яхшиликовна — Бахмал туманидаги 4-вилоят лицей-интернати ўқитувчиси, Жиззах вилояти

ЯРИЕВА Бухажар Равшановна — Сирдарё туманидаги 24-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

ҚИРҒИЗБОЕВА Ширмонхон — Қорасув шаҳридаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Андижон вилояти

Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг вакиллари ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлашга қўшган шахсий ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

АБДУКАРИМОВ Матякуб — Урганч туманидаги 20-ўрта мактаб ўқитувчиси, Хоразм вилояти

АБДУЛЛАЕВ Жалолдин — Пахтаобод туманидаги 12-ўрта мактаб ўқитувчиси, Андижон вилояти

АВЕЗОВ Амрилло Шукуллоевич — Шофиркон туманидаги 20-ўрта мактаб директори ўринбосари, Бухоро вилояти

АРИПОВА Ирина Михайловна — Фарғона шаҳридаги 13-ўрта мактаб ўқитувчиси

БЕКМУРОТОВА Рўзихол — Бандихон туманидаги 10-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

БИСТРОВА Зоя Викторовна — Чирчиқ шаҳридаги 14-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти

БОБОЕВ Наби Азимович — Сирдарё шаҳридаги 2-ўрта мактаб ўқитувчиси

БУРНАШЕВА Нина Яковлевна — Қарши туманидаги 10-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

ДАНИЛОВА Наталья Владимировна — Ғиждувон туманидаги 37-ўрта мактаб ўқитувчиси, Бухоро вилояти

ИРИСБОЕВ Абдулла — Зарбдор туманидаги 9-ўрта мактаб ўқитувчиси, Жиззах вилояти

КАЛЖАНОВА Сара Срайиловна — Томди туманидаги 6-ўрта мактаб ўқитувчиси, Навоий вилояти

КАРИМОВА Вера Васильевна — Хива шаҳридаги 12-ўрта мактаб ўқитувчиси, Хоразм вилояти

КАРИМОВ Тўлқинжон — Боғдод туманидаги 22-ўрта мактаб ўқитувчиси, Фарғона вилояти

КАРПЕНКО Любовь Михайловна — Жарқўрғон туманидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

КОЛБАСИН Анатолий Викторович — Янгиер шаҳридаги 8-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

КОНАРЁВА Ольга Оттовна — Жомбой шаҳридаги 40-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

КОСТИНА Любовь Борисовна — Бектемир туманидаги 571-болалар боғчаси тарбиячиси, Тошкент шаҳри

КУРБАНИЯЗОВА Клавдия Фёдоровна — Хўжайли шаҳридаги 6-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

КУРБАНОВА Валентина Петровна — Наманган шаҳридаги 42-ўрта мактаб ўқитувчиси

ЛАЗЕРОВА Галина Николаевна — Навоий шаҳридаги 18-ўрта мактаб ўқитувчиси

МАЙСТРЕНКО Ольга Степановна — Самарқанд шаҳридаги 6-меҳрибонлик уйи тарбиячиси

МАТХОЛИҚОВ Исмоилжон Икрамович — Қўрғонтепа туманидаги 1-спорт мактаби катта мураббийси, Андижон вилояти

МИРЗАБОЕВ Исроил Мавсумбоевич — Яккасарой туманидаги 73-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

РАУПОВА Хикмат Хонназаровна — Баҳористон туманидаги 12-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

РАҲИМОВА Мавлуда Раҳимовна — Сирғали туманидаги 3-мактаб ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

РОЗИМОВ Жумабой — Беруний туманидаги 55-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

СУЛАЙМАНОВА Любовь Анатольевна — Пахтакор шаҳридаги 2-ўрта мактаб ўқитувчиси, Жиззах вилояти

ТУРОПОВ Баҳодир — Бувайда туманидаги 29-ўрта мактаб ўқитувчиси, Фарғона вилояти

ТУРСУНОВА Гулсара Акрамовна — Пешку туманидаги 3-ўрта мактаб ўқитувчиси, Бухоро вилояти

ЧЕХ Валентина Павловна — Зарафшон шаҳридаги 1-гимназия мактаби ўқитувчиси, Навоий вилояти

ШУКУРОВА Гулнора — Челак шаҳридаги 25-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

ЮЛДАШЕВ Бакир — Паркент туманидаги 14-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти

ҚОСИМОВА Санобар Қосимовна — Оҳангарон туманидаги 10-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти

ҚУРБОНОВ Хожамберген — Кегейли туманидаги 18-мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

ҲОМИДОВА Бибисора — Чуст туманидаги 13-ўрта мактаб ўқитувчиси, Наманган вилояти

Республикада ёш авлодни ватанпарварлик ҳамда миллий истиқлол ва ижтимоий тараққиёт ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш соҳасидаги улкан хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

АБДУЛЛАЕВ Махамматқодир Махамматякубович — Олтинкўл туманидаги спорт мактаби мураббийси, Андижон вилояти

АЛИҚУЛОВА София — Ғузор туманидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

АҲМАДАЛИЕВА Нематхон — Бўз туманидаги 13-ўрта мактаб ўқитувчиси, Андижон вилояти

АҲМЕДОВА Милихон — Наманган шаҳридаги 13-ўрта мактаб директори

АШУРОВА Одинахон — Қўрғонтепа туманидаги 31-ўрта мактаб ўқитувчиси, Андижон вилояти

БАБАЖАНОВА Лиана Ивановна — Шуманай туманидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

БАРАТОВ Турдикул — Китоб туманидаги 49-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

БЕКМИРЗАЕВ Исроилжон — Марғилон шаҳридаги 22-ақли заиф болалар мактаби директори, Фарғона вилояти

БОБОДЎСТОВ Қурбон — Чироқчи туманидаги 141-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

БОЙМИРЗАЕВА Озодахон — Чортоқ шаҳридаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Наманган вилояти

БОТИРОВА Карима Гофуржоновна — Янгийўл туманидаги 52-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти

БОТИРОВА Мехриза Худойқуловна — Ғўзалкент туманидаги 5-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

БОТИРОВА Ойиста Гофуровна — Марҳамат туманидаги 24-ўрта мактаб ўқитувчиси, Андижон вилояти

ДАУЛЕТБАЕВА Амангуль — Бозотау туманидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

ДЕҲҚОНОВА Феруза Шерғозиевна — Термиз туманидаги 5-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

ЖАББОРОВА Ойгул — Шаҳрисабз туманидаги 13-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

ЖАВҲАРОВ Ахмаджон Маматович — Чилонзор туманидаги 200-мактаб ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

ЖОНИБЕКОВА Ибодат Абдураҳимовна — Ғаллаорол туманидаги 25-ўрта мактаб ўқитувчиси, Жиззах вилояти

ЗИЯЕВА Адолат Нурматовна — Юқори Чирчиқ туманидаги 3-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти

ИЗЗАТОВ Шомурод — Вобкент туманидаги 4-ўрта мактаб ўқитувчиси, Бухоро вилояти

ИЗЗАТУЛЛАЕВА Ойдиннисо — Каттақўрғон туманидаги 57-мактаб интернат ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

ИСМОИЛОВ Мамаражаб Хўжаевич — Хатирчи туманидаги 20-ўрта мактаб директори, Навоий вилояти

ИСОМОВ Орифжон Махмудович — Чуст шаҳридаги мусиқа мактаби ўқитувчиси, Наманган вилояти

КАМБУРОВА Зарима Идрисовна — Мирзо Улуғбек туманидаги 4-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

КЕНЖАЕВ Позилжон — Фурқат туманидаги 7-мактаб ўқитувчиси, Фарғона вилояти

КИМ Лариса Владимировна — Оҳангарон шаҳридаги 4-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти

КОВАЛЁВА Екатерина Никифоровна — Каттақўрғон шаҳридаги 3-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

КОМИЛОВ Мирзахмат Мирахмедович — Юнусобод туманидаги 273-лицей мактаб ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

КОШКАРОВА Алтин — Қонликўл туманидаги 23-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

КЛЮЧНИКОВА Эльвира Шавкатовна — Кармана шаҳридаги 1-болалар мусиқа мактаби ўқитувчиси, Навоий вилояти

КОСТЕЦКИЙ Василий Ануфриевич — Ангрен шаҳридаги 33-ўрта мактаб директори, Тошкент вилояти

МАДРАҲИМОВА Ўғилжон — Боғот туманидаги 11-ўрта мактаб ўқитувчиси, Хоразм вилояти

МАННОНОВА Сабохон Муҳаммаджоновна — Бешариқ туманидаги 44-ўрта мактаб ўқитувчиси, Фарғона вилояти

МАТЧАНОВА Хуршида — Амударё туманидаги 30-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

МАХАМБЕТОВА Ширин — Мирзачўл туманидаги 2-ўрта мактаб ўқитувчиси, Жиззах вилояти

МАХМУДОВ Ёқубжон — Сўх туманидаги 9-ўрта мактаб ўқитувчиси, Фарғона вилояти

МАҚСУДОВА Холидахон Найимовна — Тўрақўрғон туманидаги 12-ўрта мактаб ўқитувчиси, Наманган вилояти

МЕЛИБОЕВ Эшбой — Булунғур туманидаги 34-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

МУХТОРОВ Ўктам Хамроқулович — Оқтош шаҳридаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

НАБИЕВА Сайёра — Навбаҳор туманидаги 14-ўрта мактаб ўқитувчиси, Навоий вилояти

НОДИРОВ Ражабали Тешаевич — Деҳқонобод туманидаги 21-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

НОСИРОВА Мукамбар — Ховос туманидаги 9-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

ОБДОЛЁЗОВ Рустам — Қўшкўпир туманидаги 4-иқтидорли болалар лицейи ўқитувчиси, Хоразм вилояти

ОДИЛБОЕВ Олим Рамизович — Ҳамза туманидаги 77-лицей-мактаби ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

ОДИЛОВ Мираъзам Обидович — Пискент туманидаги 6-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти

РАИМОВА Мавлюда Абдуллаевна — С. Раҳимов туманидаги 249-мактаб-гимназия ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

САИДОВ Амон Абдуллаевич — Тойлоқ туманидаги 25-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

САЛИМОВА Мастура Аскаровна — Миробод туманидаги 125-мактаб ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

САПАРОВА Клара — Қўнғирот туманидаги 3-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

СИДДИҚОВ Олимжон Боқижонович — Наманган туманидаги 34-ўрта мактаб ўқитувчиси, Наманган вилояти

СОЛОВЬЁВА Светлана Евгеньевна — Олмалиқ шаҳридаги 5-мактаб гимназия ўқитувчиси, Тошкент вилояти

ТАНГРИБЕРГЕНОВА Роза Жуманиязовна — Беруний шаҳридаги 8-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

УМАРОВА Хосият — Самарқанд шаҳридаги 47-ўрта мактаб ўқитувчиси

УСМОНОВА Хатича Турсинбоевна — Хонобод шаҳридаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Андижон вилояти

ФАЗИЛОВА Назира Ядгаровна — Қарши шаҳридаги 1-санъат мактаби ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

ФАТТОЕВ Муҳаммаджон — Ғиждувон шаҳар мусиқа мактаби директори, Бухоро вилояти

ФРОЛКИН Виктор Фролович — Яккасарой туманидаги 100-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

ХАБИПНАЗАРОВА Гулайша — Қораўзак туманидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

ХАМРОЕВА Гулсанам Файзуллаевна — У. Юсупов туманидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

ХАСАНОВА Дилоромхон — Учқўрғон. шаҳридаги 6-болалар боғчаси тарбиячиси, Наманган вилояти

ХАСАНОВ Ўринбой — Қувасой шаҳридаги 11-ўрта мактаб ўқитувчиси, Фарғона вилояти

ХОЖАМУРАТОВА Каллигул Бисеновна — Чимбой шаҳридаги 3-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

ХОЛМАТОВА Умриниса Норматовна — Меҳнатобод туманидаги 2-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

ХУДОЙБЕРДИЕВ Малик — Зомин туманидаги 34-ўрта мактаб ўқитувчиси, Жиззах вилояти

ХЎЖААҲМЕДОВА Сожида — Шеробод туманидаги 3-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

ХЎЖАМҚУЛОВА Жумагул Гаппаровна — Чиноз туманидаги 4-мактаб-интернат ўқитувчиси, Тошкент вилояти

ЧОРИЕВ Зоир Аннаматович — Жарқўрғон туманидаги 13-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

ЧОРИЕВ Тошмамат Турдикулович — Ангор туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийси, Сурхондарё вилояти

ШАМСУДДИНОВА Зеваржон — Шовот туманидаги 25-ўрта мактаб ўқитувчиси, Хоразм вилояти

ЭГАМБЕРДИЕВА Гулшод Болтабоевна — А. Икромов туманидаги 203-мактаб ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

ЭРГАШОВ Йўлдош Содиқович — Олот туманидаги 22-ўрта мактаб ўқитувчиси, Бухоро вилояти

ЭСАНОВА Гулсара Исмоиловна — Қўшработ туманидаги 26-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

ЯХШИЕВА Гулнора Тошпўлатовна — Бухоро шаҳридаги 33-ўрта мактаб ўқитувчиси

ЎРИНБОЕВА Маҳбуба — Бўка туманидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти

ҚОРАБОЕВА Ирода Шукуралиевна — Қува шаҳридаги 4-ўрта мактаб ўқитувчиси, Фарғона вилояти

ҚЎЛДОШЕВ Эргашали — Данғара туманидаги 28-ўрта мактаб ўқитувчиси, Фарғона вилояти

ҲАЙДАРОВА Дилором — Ш. Рашидов туманидаги 21-иқтидорли болалар мактаби ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

ҲАМРОҚУЛОВ Акрамжон — Пахтаобод туманидаги 41-ўрта мактаб ўқитувчиси, Андижон вилояти

ҒОЗИЕВА Гулсара Мирсоатовна — Самарқанд шаҳридаги 9-ўрта мактаб ўқитувчиси

Кўп йиллик самарали меҳнати, республикада халқ таълимини ривожлантиришдаги, болалар ва ёшларга таълим ҳамда тарбия беришдаги хизматлари, уларга касб маҳоратини ўргатиш, меҳнатга ҳалол ва виждонан муносабатни, юксак ватанпарварлик ва ахлоқий фазилатларни шакллантириш ишига қўшган муносиб ҳиссалари учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИ»

АБДУРАҲМОНОВА Саломат — Чироқчи туманидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

АКБАРОВА Миножат — Хўжаобод туманидаги 18-ўрта мактаб директори, Андижон вилояти

АЛТИНОВА Махсуда — Навоий шаҳридаги 4-гимназия-мактаби ўқитувчиси

ИНОҒОМОВ Хайрулла Мансурович — Қибрай туманидаги 16-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти

МАМАРАСУЛОВ Саид — Жиззах шаҳридаги 6-ўрта мактаб ўқитувчиси

МАТЯКУБОВ Хабибулло — Янгибозор туманидаги 1-иқтидорли болалар лицей-интернати директори, Хоразм вилояти

НЕЪМАТОВ Юсуф Кўчқорович — С. Раҳимов туманидаги 243-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

НУРУМОВА Айтжон Якубовна — Тўрткўл туманидаги 12-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

РАҲМОНҚУЛОВА Ҳикоят — Пахтачи туманидаги 25-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

УМИРОВА Бувсара Қўзибоевна — Боёвут туманидаги 15-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

ФАЙЗИЕВА Мунаввара Муродовна — Вобкент туманидаги 16-ўрта мактаб ўқитувчиси, Бухоро вилояти

ХАФИЗОВА Флюра — Чуст шаҳридаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Наманган вилояти

ШАМСИЕВ Фазли — Музработ туманидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

ЎРИНБОЕВА Азиза — Олтиариқ туманидаги 13-ўрта мактаб ўқитувчиси, Фарғона вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ»

АБДУШАИТОВА Саломатхон — Баликчи туманидаги 35-ўрта мактаб ўқитувчиси, Андижон вилояти

АВЕЗМЕТОВА Назиражон — Хонқа туманидаги 5-ўрта мактаб ўқитувчиси, Хоразм вилояти

АЗИМОВ Аъзамжон — Избоскан туманидаги 6-болалар мусиқа мактаби ўқитувчиси, Андижон вилояти

АСЛАНОВ Сирож — Денов шаҳридаги 3-лицей-интернат директори, Сурхондарё вилояти

АСЛОНОВА Норбиби — Когон шаҳридаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Бухоро вилояти

АЧИЛДИЕВА Гулинора — Узун туманидаги 20-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

АҲМЕДОВА Шаҳрибону — Арнасой туманидаги 8-ўрта мактаб ўқитувчиси, Жиззах вилояти

БОБОҚУЛОВ Чори — Яккабоғ туманидаги 75-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

БОТИРАЛИЕВА Феруза Маликовна — Янгийўл шаҳридаги 16-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти

БЎРОНОВ Фазлиддин — Навбаҳор туманидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Навоий вилояти

ДАВИРОВ Беккул — Пастдарғом туманидаги 31-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

ДОСМУРАТОВА Жумагул — Нукус шаҳридаги 22-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

ЖАББОРОВ Қодиржон — Чортоқ шаҳридаги «Чортоқ» болалар сиҳатгоҳи ўқитувчиси, Наманган вилояти

ЖУМАЕВА Зайнаб Ортиковна — Нарпай туманидаги 33-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

ИГАМБЕРДИЕВА Зумрад Бакировна — Чиноз туманидаги 42-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти

ИСАКОВ Жахпар Абдумўминович — Риштон туманидаги 38-ўрта мактаб ўқитувчиси, Фарғона вилояти

ИСМОИЛОВА Мамлакатхон — Асака туманидаги 11-ўрта мактаб ўқитувчиси, Андижон вилояти

ИСРОИЛОВА Мавжуда Кушаковна — Чилонзор туманидаги 131-ўрта мактаб директорининг ўринбосари, Тошкент шаҳри

ИШЧАНОВА Гулпашша — Урганч шаҳридаги 2-ўрта мактаб ўқитувчиси, Хоразм вилояти

КАНИЯЗОВА Роза — Тахтакўпир туманидаги 3-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

МАТВЕЕВ Владимир Георгиевич — Ҳамза туманидаги 166-лицей мактаби ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

МИРЗАЕВА Махсудахон — Жалолқудуқ туманидаги 14-ўрта мактаб ўқитувчиси, Андижон вилояти

МУХТАРОВА Тамара Аминовна — Шўрчи туманидаги 3-болалар санъат мактаби ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

МУСТАФАЕВ Сирожитдин Садриддинович — Шаҳрисабз шаҳридаги 14-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

МЎМИНОВА Шоира Хўжамуродона — Жондор туманидаги 26-ўрта мактаб ўқитувчиси, Бухоро вилояти

НАВРЎЗОВ Тангир Бобоярович — Жиззах вилояти кар болалар махсус мактаб-интернати директори

НОРМАТОВА Муқаддам Муроткосимовна — Зафаробод туманидаги 3-ўрта мактаб ўқитувчиси, Жиззах вилояти

РАҲИМОВА Шоҳида Вахобовна — Шайхонтоҳур туманидаги 136-мактаб ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

РОЖНОВА Людмила Карловна — Қувасой шаҳридаги 11-болалар мусиқа мактаби ўқитувчиси, Фарғона вилояти

САИДМУРАДОВА Сафаргул — Бахт шаҳридаги 2-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

САИДОВА Муҳаббатхон Муйдиновна — Ёзёвон туманидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Фарғона вилояти

САТТОРОВА Ғулчеҳра Ҳайитовна — Навоий туманидаги 4-ўрта мактаб ўқитувчиси, Навоий вилояти

ТАНҒРИҚУЛОВА Гулсин — Муборак туманидаги 5-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

ТОШБОЕВА Рисгул Дусановна — Янгиобод шаҳридаги 7-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти

ТОШМАТОВ Убайдулло Эргашевич — Косонсой шаҳридаги 10-ўрта мактаб ўқитувчиси, Наманган вилояти

ФАЗЛИЕВ Ғайбиддин — Ургут шаҳридаги «Иқбол» лицейи ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

ФАТТОЕВ Жаббор — Сариосиё туманидаги 9-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

ХОЖАНАЗАРОВ Жолдасбай — Нукус тумани халқ таълими бўлими мудири, Қорақалпоғистон Республикаси

ХЎЖАҚУЛОВА Халимахон — Фарғона тумани халқ таълими бўлими мудири, Фарғона вилояти

ЮНУСОВА Хамида Солижоновна — Поп туманидаги 50-гимназия лицейи ўқитувчиси, Наманган вилояти

ҚОБУЛОВА Шарифахон — Андижон шаҳридаги 30-ўрта мактаб ўқитувчиси

ХОЛИЕВ Каршибой — Мирзаобод туманидаги 8-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»

АБДУЛЛАЕВА Сарина Нигматовна — Хўжаобод туманидаги 1-болалар боғчаси тарбиячиси, Андижон вилояти

АХМАТОВ Ғулом — Косон туманидаги 18-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

БАБАЖАНОВА Дарманжан — Қўнғирот шаҳридаги 13-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

БОТИРОВ Мехрилло Мамасолиевич — Пайариқ туманидаги 3-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

ВЕДМЕДЬ Александра Федосовна — Қоровулбозор туманидаги 2-ўрта мактаб ўқитувчиси, Бухоро вилояти

ДУРАНОВА Гулхан — Куйи Чирчиқ туманидаги 49-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти

ЗАВҚИЕВА Марҳамат Ўрозалиевна — Сайхунобод туманидаги 28-ўрта мактаб ўқитувчи



Тилсим

«БЕНЬКОВ»НИНГ БОЛАЛАРИ



Улар миллат танлашмайди. Элат сўрашмайди. Бир ота-онанинг фарзандларидек бир-бирларига меҳрибон ва садоқатли. Ҳамма-ҳаммасини битта улкан ва ўлмас туйғу — Ўзбекистон деган муборак калом катта манзилларга чорлаётир.

Дарвоқе, бу ерда ҳеч қачон ўлмайдиган бетакрор ҳайрат яшайди. Ва яна кўп, сизу биз билиб-билмаган, англаб-англолмаган қанча кашфиётлар дунёга келади. Бу қандай жой экан, дейсизми? Кўпинча сезмаймиз. Унда билиб олинг.

Ўша куни Хадрада «суров» ўтказдик. 10 кишини тўхтатиб «Беньков номидаги рассомчилик билим юрти қаерда?» деб сурадик. Улардан иккитасигина айтолмади. Қолганлари қўлини ишора қилиб кўрсатди. Билим юрти остонасига қадам қўйдик. Ичкарида...

Бошқа бир дунёга дуч келдик. Тўрт тарафдаям сирли тилсимларга тўла манзара. Таърифтавсифга сўз йўқ. Биз урганиб қолганмиз-да, ҳар қандай ҳашаматли бинонинг ташқи қиёфасини кўриб баҳо берамиз. Бу масканнинг эса ҳар икки томонида ҳам муҳжизалар бор.

Зинапоялардан кўтариламиз. Деворларда ғаройиб шакл ва безаклар. Иккинчи қаватда яна

бошқа оламга дуч келдик. Билим юрти талабаларининг ижодий ишларидан ташкил топган кўргазма залида бир лаҳза ўзимиз билан ўзимиз қолдик. Кўз ўнгимиздан кино тасмаларидек картиналар ўта бошлайди: «Бобо ва набира» (У. Ҳамроева), «Қарилик» (А. Миносьян), «Болалик» (А. Қосимов), «Пода қайтиши» (А. Нозимов)... Туркийларнинг қондош беш қавми, бешиклар, Соҳибқирон бобомиз туйига бағишланган асарлар юракка титроқ солади. Ҳаяжонини ичига ютолмаган ҳамроҳлардан бири «Э, наҳот шуларни талабаларнинг ўзлари чизган, ясаган бўлса-я!» дея хаёлимизни бузиб юборди. Шунда билим юрти директори Ғуломжон Йўлдошев изоҳ берди:

— Бўлмасам-чи, аслида ҳар қандай яхши асарнинг кучи ҳайратда! Ҳайрати ўлмаганлар ижоднинг, санъатнинг қадрига етадилар. 16 йилдан бери шу даргоҳда ишлайман. Ҳар куни бир янгилик кўриб дилим яйрайди. Мақтансам, бўлмас. Фақат келиб кўриш керак. Покистонда бўлиб ўтган фестивалда, шу жумладан, Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб Францияда ўтказилган кўргазмада ҳам билим юртимиз талабаларининг ижод намуналари ҳақида илиқ сўзлар эшитдик. Имкониятимиз жуда катта, лекин қўлимиз калта. Негаки, энди ҳеч иккиланмасдан четга чиқиш пайти келди. Шунинг учун, ҳамкорлар излаяпмиз.

Ҳа, «Беньков»га бир келган одамнинг руҳи тозариб чиқади. Қолаверса, озод Ватанимиз ўлмас санъатининг эртанги юлдузлари худди шу масканда улгаяётирлар, десак муболаға эмас.

Норқобил ЖАЛИЛ.

Суратларни Муҳаммад АМИН олган.



ОҚ УЙДАГИ УЧРАШУВЛАР

Аввал маълум қилинганидек, сешанба куни Фаластин Президенти Ёсир Арафот ва Исроил Бош вазири Бенямин Нетажьяху ўртасида Оқ уйда учрашув бўлиб ўтди. Давлат раҳбарлари Оқ уйдаги нонуштадан сўнг уч соат давом этган музокарага киришдилар.

Музокаралар ёпиқ тусда олиб борилди. Оқ уй вакилининг баён этишича, ҳар икки давлат раҳбарлари учрашувдан мамнуният изҳор этишди.

АҚШ Президенти Билл Клинтон олдинига ҳар икки томон вакиллари билан алоҳида-алоҳида учрашди. Сўнг Клинтон Оқ уйда барча учрашув қатнашчилари билан 45 дақиқалик дўстона қабул уюштирди.

ЯНГИ ҚОНУН ЧИҚАРДИ

АҚШ ҳукумати сешанба куни мамлакатда ахлоқий тартиб-интизомни мустаҳкамлаш мақсадида янги Қонун чиқарди. Қонунга кўра, беҳаё (порнографик) суратлар, ахлоқсиз ёзув тасмалари, компьютерда ишланган порнографик «ихтиро»лар ва суратга тушиш ва тушириш билан шуғулланувчиларга узоқ муддатли қамоқ жазоси белгиланди.

Янги қонунда кўзда тутилишича, порнографик суратларга тушган кимсага 15 йиллик қамоқ, суратларни ташвиқ қилувчилар 5 йилга озодликдан маҳрум этиладиган бўлди.

НОРОЗИЛИК БИЛДИРИШМОҚДА

Форс кўрфазидаги урушда қатнашган фахрийлар ўша пайтда ишлатилган кимёвий моддалар бугунга келиб улар сғлигига таъсир этаётганлигидан норозилик билдиришмоқда.

Пентагон вакили Кен Беконнинг сешанба кунги айтган гапига қараганда, АҚШнинг 15 минг ҳарбий кишиси, балки ундан ҳам кўпроқ жангчилар бундан 5 йил бурунги Ироққа қарши урушда зарарли газдан қаттиқ шикастланганлар.

Яқинда эълон қилинган маълумотда 100 мингдан ортиқ отряд жангчилари ҳавода кучли портлашдан ҳосил бўладиган оқ булутли газдан заҳарланганлиги қайд этилган. Икки ҳафта бурун Пентагон берган хабарда эса 5 минг отряд жангчилари шундай заҳарли моддалардан зарарланганлиги таъкидланади. Форс кўрфази урушдан истеъфога чиққан жангчи-фахрийлар турли хил касалликлар, ҳатто хотирасини йўқотиш дардига йўлиққанликларидан норозилик билдиришмоқда.

Эҳ, бу Америка!

АФРИКА УНДАН ҲАМ ЗЎР

Америкада бўлишни, кўришни истайсизми? Мен ҳам хоҳлардим имкон бўлса. Кўпчилик шу ҳақда ўйласа керак. Америкада ҳамма нарса бор: яшаш яхши, турмуш тарзи беқиёс, эркинлик, истаганингни қиласан. Бу киноя ёки ортиқча ташбеҳ эмас бу юрт таърифига. Америка ҳақиқатан ҳам дунёдаги энг тараққиёт чўққисига етган мамлакатлардан биридир.

Дунёда яна бир шундай куч борки, ҳатто тараққиётни ҳам тан олмайди. Муҳаббат! Ўқинг, сиз ҳам иқрор бўласиз.

Небраска штатининг Гранд-Айеленд шаҳрида яшовчи Эмили Деттвейлер дилбар аёл. Америка ҳавасмандлари, сайёҳлар унга жуда кўп оғиз солишган. Эмили эса: «Америкаликман!» дерди ғурур билан шундай қайлиқликка номзод «шаҳзода»ларга.

Бошқа мамлакатда яшашни эса ўйлаб ҳам кўрмаганди. Ахир Американи ташлаб кетиб бўладими? Кимларни не-не кўйларга солмаган бу Америка?! Лекин Эмили бирдан фикридан қайтди-қолди. Ҳаммасига ўша Кения саёҳати сабаб бўлди.

У ўртоғи билан «Кения—Танзания» сафарига отланганда, аввалига «Нима бор бизга Африкада! Яна чангалзорлар юраги— Кенияда?!» дея иккиланганди. Йўқ, барибир у маҳаллий черков ҳомийлигида уюштирилган саёҳат-сафарга борадиган бўлди. Африкага ёзги дам олишга жўнаб кетди.

Кениянинг табиати, манзараси ўзига хос. Айниқса, Найробининг табиий гўзал манзараси сайёҳлар диққатини ҳамиша ўзига тортиши турган гап. Қишин-ёзин фусункор. Ахир дарахтлар «тўкилиб», «дам оладиган» фасл бўлмагач гўзал бўлиб тураверади-да.

Найроби ресторанида тушлик қилаётган Эмили беихтиёр «қора шаҳзода»га кўзи тушиб қолди. Б'уази эса аллақачон «оқ санам»ни кўз остига олиб қўйганди. Улар бир кўришда бир-бирини севиб қолишди. «Оқ санам» ва «қора шаҳзода» турмуш қуришга аҳдлашишди. Бунақаси ҳечам бўлмаган.

Оқ суяк аёл Б'уазининг кошонаси — қамиш чайласига келди. Қабиладагилар аввалига келгинди "келин"га ётсираброқ қаращди. Айниқса кундошлари бир яниб қўйди. Улардан ҳеч ҳам хафаям бўлмадим. Чўчиганим ҳам йўқ. Ёнимда шердек Б' уази — ҳукмдорим бўлгач ҳеч кимдан, ҳеч нарсадан тап тортмайман-да. Уни америкалик эркаклардан фарқиям шу: у ҳукмдор, қаттиққўл, ҳамма нарсага қодир гўё мен учун... Дўстларим ҳайрон: Африкада ниманг тушиб қолди, қайтасан яна дейишяпти, «Ишқим тушиб қолди!» дейман уларга. Эрим билан ажрашаман-у, қайтаман Африкага! Чангалзордан, шу чайладан бахтимни, ҳақиқий севгим, муҳаббатимни топдим... Б'уазини севиб қолдим, негаки у менга ўзига буйруқ беришимга йўл қўймайди. У ҳукмдорим. Қабиламизнинг (дарвоқе, Эмили қабила удумларини қабул қилишга ҳам улгурди) таомили шу: эр ҳукми амри вожибдир хотин кишига...

Ҳа, қора шаҳзода шундай қилиб оқ санамни бутунлай асир этиб олиб қолди. Ўз чайласида бир умрга. Фақат расмиятчилик қолди холос. Аслида бу расмиятчилик фақат америкаликларга керак. Андак хижил томони ҳам бор-да! Эмили эрлик хотин-ку! Буёғи қандай бўларкин? Эри қандай қараркин бундай оташ муҳаббатга!

— Мен унинг севгисини тушундим. Фақат тушунмадим: нега Эмилининг Американи ташлаб кетишини! Ахир бу Америка-ку?! Мен бундай қилолмасдим... — дейди 39 яшарлик Ральф Деттвейлер. — Америка-Америкада барибир. Бахт, севги йўлида у шу қарорга келибди, майли борсин. Қабиладошлари орасида ўзини «ҳақиқий малика»дек ҳис этса, бундан ортиқ нима керак унга! Лекин барибир уни севаман... Оғир ажрашиш. Лекин фақат ўзимни ўйлаб, ҳудбинларча севмайман уни...

Эҳ, бу Америка-ку! Ахир Америкада бизга ўхшаб севишмайди, бизга ўхшаб ажралишмайди ҳам-да!

Лекин аёл зоти нақадар мураккаб ва хилқат. Эркин дунё ҳам унинг қалбини забт этолмайди. Аёл ҳукмдорига бўйсуниб яшайди. Агар севса...

Майли, улар шундай севишсин. Лекин биздаям баъзан «эркаклар ҳукмини ўтказгани - ўтказган» дегувчилар бор. Ҳукм, ҳукмдорлик эр йигитнинг кўрки экан. Энг керак фазилати.

Оила масъулиятини оппа-осон елкадан бир силтаб «иргитиб», «халос» бўлиб олиши эса бироз эриш-да, барибир.

Эҳ, бу Америка! Африка эса ундан ҳам яхши! Ким учундир.

Ғалати шов-шувлар

ЎЗГА САЙЁРАЛИК ТАШЛАНДИҚ БОЛА

Невада штатида ақл бровар қилмайдиган миш-мишлар тарқалди. «Элкода ўзга сайёралик бола топилди. Келгиндилар қўлсиз туғилганларини «ташлаб» юборишаркан. Ташландиқ мажруҳ чақалоқ «осмон»га «учмоқчи»миш. Қўлсиз келгинди чақалоқ бизнинг сайёрамизда ўлиб қолармиш...»

Шов-шувлар ортган сари қизиқувчилар воқеа содир бўлган жойга — Данфидан 76 километр шимолий шарқдаги Шошоун тоғ ён бағрига кела бошлашди. Маҳаллий полициячилар бундан ташвишга тушмоқда. Чунки шундоқ ҳам Данфи сайёҳлар шаҳри. Қизиқувчиларсиз ҳам «келгинди»лар «қўнган» майдончани унчалик овлоқ жой деб ҳам бўлмайди.

Маҳаллий полициячилардан бирининг таъкидлашича, воқеа содир бўлган пайтда ҳам сайёҳлар шу атрофда бўлишган экан. «Келгинди»ларни ўз кўзи билан кўрган полициячилардан бири эса шундай изоҳлайди:

— Каттагина майдончада «келгинди» тарелка-тайёраси қўнганлиги яққол кўриниб турувди. Ҳозир ҳам уларнинг «изи» турибди. Дарахтлар синган, шоҳ-шаббалар, ўтлоқ пайҳон бўлган. Полиция маҳкамасига ҳам кимдир сим қоқишга улгурибди. Хабар топган полициячиларимиз ҳам дарҳол «учиб» келишди. Сал наридан шоҳ-шаббалар орасидан қўлсиз «келгинди» чақалоқни топдик. «Тарелка» қўнганда атроф чунонам ёришиб кетдики, нима бўлганини англай олмай қолдик. Чақалоқни эса федерал ҳукумат вакилларига топширдик. Қайта кўрмадик шўрлик «келгинди»чани. Лекин ҳалиям кўз олдимда: нимжон, ҳурпайган, ҳўмрайиб олган. Афтангори шунчалар ғамгинки... Ҳалигача юрагим ачишади эсласам. Менга шундай туюлдими, у фақат осмонга, «тарелка» учиб кетган томонга унсиз қараб ётарди...

Бу воқеани — америкалик таниқли биолог, экспертчи олим, ўзга сайёралик одамларни ўрганувчи мутахассис, доктор Моррис Рензель «ташландиқ» болани ўрганяпти. Бир гуруҳ олим ва ҳукумат вакиллари ақлан заиф, мажруҳ «келгинди»ни махфий жойда сақлашмоқда. Унинг тақдирини ҳам қаттиқ сир тутишяпти. Доктор Рензель эса бошқача фикрда:

— Улар мутлақо ноҳақ. Ахир у оддийгина чақалоқ. Фақат «келгинди». Уни илмий лабораториянинг «тозаланган», совуқ муҳитда, «танҳо» сақлашга ҳечам ҳожат йўқ. Келгинди болакайга илиқ оилавий муҳит, она меҳри керак.

Ўзга сайёраликларда шундай қонуният кузатилганлигини баъзи мутахассислар таъкидлашмоқда. Келгиндилар насл, авлод «тоза»лигига қаттиқ риоя қилишади. Қўлсиз, мажруҳ чақалоқ ораларида қолса, келгуси авлод «бузилади».

Айниқса, мажруҳ чақалоқ ақлан заифлиги уларни ташвишлантирган бўлиши мумкин. Унутмаслик керак, уларда болаларига «боғланиш» — меҳр ҳисси йўқ. Шундай фараз тасдиқланган. Яна бир фаразим: чақалоқ балки шу ерда туғилгандир. Онаси Ерни ўрганиш учун «қўнган»да. Вазият шуни талаб қилиб, бехосдан «кўтарилишгандир».

Ачинарлиси шуки, чақалоқ на ухлайди, на ейди-ичади. Фақат кўкка ғамгин термулгани-термулган. Очиғи, у аста-секин тўғаб, «емирилиб» боряпти... У соғиняпти ўз галактикасини... Шундай бўлгач, соғинч ҳисси бор экан-да улардаям. Модомики, улар ҳам соғинаркан, меҳр йўқ деб қатъий хулоса чиқаришгаям эрта.

«Ташландиқ ўзга сайёралик чақалоқ» яшайдими-йўқми ҳали фанга аниқ эмас. Лекин доктор Моррисниг фаразида жон борга ўхшайди.

Саида ЙЎЛДОШЕВА тайёрлади.

«КУЧЛИ ҚУЮН» ҚУРБОНИ

Шунақасиям бўлади

МЕХИКО. Табиат ҳар доим ҳам инсонга мурувват кўрсатавермайди. Офат ва фалокатлари бор. Шеф-ошпаз Хуан Руис шундай офат қурбони бўлди. Кўпинча Шимолий Америкининг иқлим шароитини таърифлашганда «кучли қуюн»ини алоҳида таъкидлаб қўйишади. Бежиз эмас.

Кучли бўрон шаҳарни остин-устун, вайрон қилиб ташлади. Пазандалик билим юрти ошхонасида қуймаланиб юрган ошпаз — Хуан Руис бунга кўпда аҳамият ҳам бермади. Ишини қилаверди. «Кучли қуюн» қутурганда-қутурарди. Шу пайт оддийгина «спагетти» — макаронни чанг-тўзон аралаш осмонга учирди. Сўнг у зарб билан келиб ўқ-ёйдек ошпазнинг нақд юрагига санчилиб қолди...

Маҳаллий ҳукуматнинг баён қилишича, довулнинг тезлиги соатига 240 километрга кўтарилган.

— Одамлар баъзида қуюн бўлса — қуюн-да, деб беписанд бўлишади, — дейди метеоролог Пабло Рамон. — Унинг «ёмғири» домида қанча бегуноҳлар қурбон бўлади.

Табиатда мувозанат мавжуд. Лекин у инжиқ. Шамол, довул, қуюн, бўронлар, яшин, чақмоқ ҳам керак. Ер ҳайбатли тоғларни кафтида бемалол кўтариб туради. Баъзан инсоннинг сал беписандлигиям «оғирлик» қилиб қолади шекилли.

Инсондаги ҳушёрликкина бунга дош беради, холос.

КИРХОНАДАН ТОПИЛГАН ҚИЗАЛОҚ

ФРАНКФУРТ. Герхард ва Гизела Шмидтлар уйида нохушлик. Олти ойлик қизалоқ — Анна йўқолиб қолди.

— Ётоқхонада Аннани полга қўйиб юбордим. Эмаклаб «юрсин» девдим, — деди полицияга келган 34 яшарлик уй бекаси йиғлаб. — Бир соатча болалар уйини йиғиштириб келсам, қизим йўқ. Уйни остин-устун қилдим. Кўчага отилдим. Йўқ...

Саросимага тушган ота-она кўни-қўшниларникидан хабарлашди. Ҳеч ким кўрмаган. Полицияга боришди. Полициячилар ҳам бир неча соатдан сўнг «қуруқ» қайтишди.

— Қизимни кимдир ўғирлаган! — изтиробга тўлиб-тошарди Гизела.

Йўқ, хайриятки, ўғирлашмаган экан. Кирхона идораси бошлиғи полицияга қўнғироқ қилди: «Бугунги буюртма» ичидан қизалоқ чиқди. Йўқ, э, нималар деяпсиз. Қаёқданам биларди. Салкам 2 тонналик лаш-луш ичидан бола кўринармиди? Ходимларимиз йиғлаганини эшитиб қолишибди. Худо бир асрабди-я. Йўқса, қозонга... ҳмм. Бахтига кир йиғувчининг доимий «ўз» мижозига ажратган «жойи» бугун бўш қолган экан. Ўша жойга «кириб» олибди-да, ўзиям!»

Ҳа, жажжи Аннушка уйдан эмаклаб чиқиб кир ташланадиган бакка кириб ухлаб қолибди.

Ҳозир Анна ярим яшар! Лекин бемалол уйидан 5 километрга «мустақил» борадиган бўп қолган.

Алишер Навоий номидаги Давлат мукофотига номзодлар

БАДИЙ КАШФИЁТ

Ҳозирги жаҳон адабиётшунослигида бадиий асар қиммати, даражаси биринчи галда унда ҳаёт ва шахснинг янгича концепцияси ҳамда бадиий талқини, ифодасига қараб белгиланади. Шу юксак умумбашарий адабий-бадиий мезонлар асосида ёндашиладиган бўлса, Ўткир Ҳошимовнинг «Тушда кечган умрлар» романи сўнгги йиллар ўзбек адабиётида жиддий воқеа, муҳим янгиликдир. Романнинг китобхонлар томонидан илиқ кутиб олингани, танқидчиликда юксак баҳоланганлиги, хорижда қизиқиш уйғотаётгани, ҳозирнинг ўзидаёқ олий ўқув юртлари адабиёт дастури ва дарслигига киритилгани тасодифий эмас.

Бир қарашда роман бизда муайян анъанага айланиб қолган мавзу-муаммолар — мустабид тузум танқиди, афғон уруши, «ўзбеклар иши» қурбонлари ҳақида баҳс этади. Бу мавзу-муаммолар ҳақида кўп ёзилди, ёзилаётир. Ўткир Ҳошимов «Тушда кечган умрлар» романи орқали бу хусусдаги ўзининг бетакрор, салмоқдор янги сўзини айтди. Айтганда ҳам ўқувчини ларзага соладиган, ўйга толдирадиган қилиб айта олди. Бадиий асарда, хусусан романда ёзувчининг янги сўзи у яратган жонли ва кўламли шахслар тимсоли орқали гавдаланади. Романдаги талай персонажлар, хусусан икки ёркин қаҳрамон — Рустам ва Комиссар образларини ёзувчининг бугунги адабиётимиздаги янги сўзи, бадиий кашфиёти деса бўлади.

Рустам — фожеий шахс. Катта ҳаётга эндигина кириб келаётган, она юртнинг етук бир фарзанди, содиқ фуқароси бўлиши, эл-юрт учун кўп ишлар қилиши, севгилиси васлига эришиб бахтли ҳаёт кечириши мумкин бўлган бу навқирон ўғлон умри ўн гулидан бири ҳам очилмай туриб хазонга айланади. Унинг ҳаётини мустабид тузум, тоталитар режим сиёсатини юргизганлар, афғон урушини бошлаганлар, «ўзбеклар иши», «пахта иши» можаросини ўйлаб топган ғаламислар завол этади. Рустам ҳалокати мана шу мудҳиш сиёсатга зўр бир айбнома каби янграйди.

Рустам-уруш одами, уруш қурбони. Ёзувчи Рустам саргузаштлари орқали афғон уруши лавҳаларини бутун даҳшатлари билан бор ҳолича кўрсатади. Афғон уруши қатнашчиларининг гувоҳлик беришларича, жанг лавҳалари бамисоли жангчи кўзи билан кўриб, қалбдан ҳис этиб қоғозга туширилгандай чиққан. Энг муҳими, асарда уруш талқини тамомила янгича. Инқилоб йилларидан тортиб 90-йилларга қадар уруш ҳақида битилган биздаги жамики асарларни кўз олдингизга келтиринг: уларда уруш чегараси — «оқлар» ва «қизиллар» «бизникилар» ва «душманлар», «ғолиблар» ва «мағлублар» орасидаги фарқ аниқ: биз урушларни «адолатли» ва «адолатсиз»га ажратиб ўрганганмиз.... «Тушда кечган умрлар» романидаги уруш тасвирида бунақа чегара, фарқлар йўқ. Афғон урушида дўсту душман, ғолибу мағлуб йўқ. Бу маънисиз уруш мужоҳидлар учун ҳам, шўравийлар учун ҳам, жангчилар ва тинч аҳоли учун ҳам бирдек фожиа. Оғир кўргилик, мислсиз вайронгарчилик, йўқотиш... Инсон боласи бу ёруғ дунёга одам ўлдириш, вайронгарчилик учун эмас, яшаш, меҳнат қилиш, яратиш, беш кунлик умри давомида меҳнати, ақл-заковати билан шу ёруғ дунёни обод қилиш, ўз зурриёти учун шу дунёни обод ҳолда қолдириш учун келади. Мана шу ғоя фақат афғон уруши эмас, Иккинчи жаҳон урушига доир лавҳалар тасвири орқали ҳам ўтказилади.

Ўн йиллар бурун бизда масалани бу тарзда қўйиш асло мумкин эмас эди. Бундай талқин «буржуа пацифизми» кўриниши деб қораланган бўларди.

Романда илгари сурилган уруш билан боғлиқ ғоялар асримиз охирларида жаҳоннинг тараққийпарвар сиймолари, давлат арбоблари амал қилаётган қараш, изчиллик билан ўтказаётган сиёсатга ҳамоҳанг янграйди. Бугунги кунда ҳатто «энг эзгу шиорлар» остида олиб борилаётган урушларни ҳам оқлаб бўлмайди. Уруш, барибир, уруш! Можароларни ҳал этишнинг ваҳшиёна, ифлос усули, инсоний ожизлик белгиси! Ҳаётдаги давлатлараро муносабатлардаги ҳар қандай кескин можароларни ҳам ваҳшиёна уруш йўли билан эмас ақл-заковат, тадбиркорлик орқали ҳал этиш мумкинлигини кўриб-билиб турибмиз. Қарангки, асримиз охирларида тарихда деярли кўрилмаган ҳодиса рўй берди, қатор мамлакатлар қатори республикамиз мустақилликка қон тўкишларсиз эришди. Истиқлол раҳнамоларининг ақл-заковати, тадбиркорлиги туфайли бир тузумдан бошқа бир ижтимоий тузумга ўтиш ортиқча ларзаларсиз кечмоқда. Шунақаси ҳам бўлар экан-ку! Мафкуравий муросасизликлар даври ўтди, «муроса фалсафаси» даври бошланмоқда. Мана шу янги муҳим тарихий жараён ҳам роман бош пафосининг ҳаётийлигини, ўта замонавий, умумбашарий моҳиятга моликлигини тасдиқлайди.

Биламизки, ҳар қандай салмоқдор, эзгу янги ғоя санъаткорона ифодасини топган тақдирдагина қудратли куч касб этади, асар ғояси эса ўқувчи қалбини асир этадиган яхлит сирли-сеҳрли тасвир оҳанги орқали пафосга айланади. Роман «Куз ўлим тўшагида ётган беморга ўхшайди» сўзлари билан бошланади. Илк жумладаги мана шу маъюс, мунгли оҳанг асар давомида товланиб, гоҳ сокин, гоҳ шиддатли тус олиб вужуд-вужудингизни қамраб олади. Асар қаҳрамони қисмати бошдаги ўша мунгли сўзлар билан интиҳосига етади. Бу жумла фақат қаҳрамон қисматигагина эмас, асарда акс этган давр, муҳит, жамиятга ҳам дахлдор — дарҳақиқат, ўша йиллари жамият бамисоли ўлим тўшагида ётган бемордек талвасада. Ўзбек адабиётида бу қадар маъюс, мунгли романни ҳозиргача ўқимаган эдик. Роман бу жиҳатдан Ҳазрат Навоийнинг энг ҳазин, мунгли достони «Лайли ва Мажнун»ни ёдга солади. Достонни ўқиётиб, сиз Лайли билан Мажнун бу фоний дунёдан бахт тополмаслигини, чексиз, ғам-андуҳлардан фақат ўлиб қутулишлари мумкинлигини ҳис этиб турасиз. Романда ўзгача давр, ўзгача вазият, муаммо, можаролар. Бироқ бош қаҳрамон бошига тушган савдолардан қутулиш йўли ўша — Рустам типидаги ориятли, виждонли йигитни бу мудҳиш кўргуликлардан ўлимгина мосуво этади.

Ниҳоят, гап гали романдаги иккинчи етакчи кимса — Комиссар образига келди. Бу одамнинг Соат Ғаниевич деган биноидай исми шарифи бор. Бироқ исм-шарифидан кўра Комиссар деган лақаби унга ярашади. У шахс эмас, касб, мансаб-мартаба, мафкура одами. Бу одам бутун умри давомида мустабид тузум, тоталитар режим мафкураси, сиёсати қалқони ва қиличи сифатида иш кўрди, неча минглаб одамларнинг ҳаётини, дилини жароҳатлади, ёстиғини қуритди.

Шуниси ҳам борки, бу одам ҳаётининг кузи аллақачон бошланган, у ҳам ўлим тўшагида ётган беморни эслатади. Бироқ у буни тан олгиси келмайди. Аллақачон отдан тушган бўлса-да, эгарга қапишиб олган. Муштипар аёли оламдан ўтди. Фарзандлари, келинлари ўзгача йўл танлаб ундан юз ўгирди. Иккинчи умр йўлдоши унга хиёнат қилди. Ҳаётда бирорта дўсти, таянчи қолмади. У суянган жамият, эътиқод қўйган мафкура нураги, қулади... Ўзини билган, англаган одам учун булар нақадар катта фожиа! Бу кимсанинг фожиаси шундаки, у мана шундай фожиани ҳис этишдан маҳрум. Шу ҳолда ҳам бу инсон қиёфасидаги махлуқ ҳеч нарса кўрмагандек яшашда давом этади... Замона зайлини қарангки, биз шундай кимсалар билан бир осмон остида яшашга мажбурмиз. Бағри кенгликни қарангки, истиқлол кунларида ҳеч ким уларнинг мушугини «пишт» деяётгани йўқ. Улар мана шундай бағри кенгликнинг қадрига етармиканлар?! Роман ана шундай давримизнинг умуминсоний руҳига жўровозлиги билан ҳам жозибадор ва қимматлидир.

Умарали НОРМАТОВ.

Теҳас латифалари

ҚЎЛГА ТУШМАС ЖОН

Ковбойлар от йўрттириб боришарди. Тўсатдан йўл четидаги бутазордан шитирлаган овоз эшитилди. Олдиндаги отлиқ дарҳол кольт-тўппончасини чиқарди. Бошқаси эса деди:

— Билл, ташвишланма, ахир у: «Қўлга тушмас Жон»-ку.

— Нега энди қўлга тушмас? Нима уни тутиш шунчалик қийинми?

— Ҳа, йўқ, у ўзи ҳеч кимга керакмас-да.

БИЛАҒОНЛИК БАЛОСИ

Овлоқ йўлда уч ковбой боришарди. Ёши каттароғи ёнида кетаётганидан сўради:

— Билл, икки карра икки неча бўлади?

— Тўрт.

Каттаси ёнидан кольтини суғурди, шартта жавоб берганига қарата ўқ узди. Учинчиси деди:

— Нега уни отдинг?

— Ҳаддан ташқари кўп билганига-да.

ОТ БИЛАН-ЧИ?

Икки ковбой отчопарда.

— Билл, ҳув анави отга тик, пулингни! У албатта биринчи бўлади. Мен извошчи билан келишиб қўйдим.

— От билан-чи, Жон?

Саида БОНУ тайёрлади.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» учун масъул), Владимир ЧЕБОТИН (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-26-48;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Н. ШАКАРОВ, навбатчи О. БЕКМУРОДОВА.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматда 26.845 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳririят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0563

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 23.00

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ШАВКАТ РАҲМОН ДЕГАН НОДИР ҚАЛБ...



Дунё деганлари беш кунлик экан. Узоқ давом этган оғир касаллик ўзбекнинг асл шоирларидан бири— Шавкат Раҳмонни орамиздан олиб кетди. Қанча ўкинмайлик, қанчалар фарёд чекмайлик — ўлим бешафқат, ўлим ҳақ...

Шавкат Раҳмон — халқимизнинг пешонасига битган шоирлардан эди. У нур одами, ёруғлик одами эди. Халқимизнинг маънавияти пок ва юксаклигига эътиқод қўйиб ижод қиларди. Ҳаммани ўзи ишонган, ўзи яралган олам— ёруғлик, поклик олами сари ундарди. Бунга Шавкат Раҳмондан қолган ўнлаб шеърлар, ижод маҳсулотлари, таржималар, ёруғ юрак изитироблари гувоҳ. Бунга қайралган ўткир сўзлар, шоиримизнинг орзу-умидлари, ундан сўз тинглашга улгурган мухлислар гувоҳ.

Дунё деганлари шунчалар бебақо, ўлим деганлари шунчалик бешафқат эканки, дафъатан тилга сўз келмайди, сўз келса, қўл ёзмайди. Ахир биз, газетхонлар унинг ҳар бир янги шеърини вужуд-вужудимиз билан ҳайратланиб тинглаганмиз, шеър таъсирида покланганмиз, руҳимиз юксакларга интилган. Яқингинада газетамизда Шавкат Раҳмоннинг бир туркум шеърлари босилган эди, бу шеърлар шоир кўрган энг сўнгги туркум шеърлар бўлишини ким ўйлабди, ўшанда...

Таскин шу фақат: Шавкат Раҳмон деган ном ўзбек шеърияти тадрижида муқим ўрин тутди, замонавий шеъриятимиз яна бир улкан сўз сеҳргарининг ижоди билан бойиди, ўнлаб китоблар ўқувчилар кўнглидан жой олди. Дўст-ёронлари, мухлислари, шогирдлари, муштарийлар ҳамда оила-фарзандлари қалбида ёруғ хотира, ўчмас нур қолди.

Алвидо, азиз дўст! Жаннат эшиклари очилгай.



Мустақиллик иншоотлари.

Турғунбек МАҲКАМЗОДА олган суратлар.

ТАШКИЛОТ
Италия газ плиталари, кир ювиш машиналари ва электроплиталарини, Франция ТЕФАЛ чойнакларини, калькуляторларни йирик векселларга
СОТАДИ
Тошкентдаги телефон: (3712) 33-99-51.

SOROS FOUNDATION'S OPEN SOCIETY INSTITUTE (OSI) UZBEKISTAN
seeks individuals with good English skills to fill the following positions:
- Grants/program officer, experience with non-governmental organizations; strong educational background; study abroad or experience with western organizations.
- Administrative assistant to director; excellent english; typing skills
- Chief administrative officer/logistics: excellent organizational skills; problem-solver
- Accountant: full or part time; experience with western accounting and software
- Individual with extensive knowledge of the Internet and computers desired to fill one of these or an additional position

Contact Katherine Mooney, Director, at 418604, or bring a C.V. in English by the office at Abdulla Kodiriy 11, 2nd Floor, between 9:00 and 12:00 am.

BAT
BRITISH-AMERICAN TOBACCO
АГАР СИЗГА ИШ КЕРАК БЎЛСА...
АГАР СИЗГА ЖИДДИЙ ИШ КЕРАК БЎЛСА...
АГАР СИЗГА БАРҚАРОР ИШ КЕРАК БЎЛСА...
АГАР СИЗГА ЯХШИ ҲАҚ ТЎЛАНАДИГАН ИШ КЕРАК БЎЛСА...
Унда Сиз ЎЗБАТ АЖ. ҚКга ишга келинг
Компания қуйидаги мутахассисликлар бўйича юқори малакали кадрларни ишга қабул қилмоқда:
- техник-механик
- электрон жиҳозлар созловчиси
Бунинг учун:
ёшингиз 35 дан ошмаган бўлиши,
Махсус ўрта ёки олий техник маълумотга эга бўлсангиз
Сиз "Бритиш-Американ Тобакко" компаниясининг энг яхши ўқув марказларида ўқишга тайёр бўлсангиз.
Сиз жаҳон андозаларига мос даражада ишлашга тайёр бўлсангиз.
Сизни қўлга олинадиган 3500 сўмлик бошланғич иш ҳақи қониқтирса
СИЗНИ АЖОЙИБ КЕЛАЖАК КУТМОҚДА!
ВА ЯНА...
Танловдан муваффақиятли ўтган номзодларга Тошкент тамаки фабрикасида, ҳамда янги қурилаётган Самарқанд сигарет фабрикасида иш таклиф қилинади.
Бунинг учун...
Компаниянинг ҳамма филиалларидан олишингиз мумкин бўлган анкетани тўлдиринг.
Тўлдирилган анкеталар ўрганиб чиқилганидан кейин бир ой муддат ичида номзодлар суҳбатга таклиф қилинади.

Тошкент ш.	Самарқанд ш.	Ургут ш.
Носиров кўч. 77,	Рудакий кўч. 150	Навоий шох кўч. 10
Тошкент тамаки фабрикаси	Самарқанд тамаки-ферментация заводи	Ургут тамаки-ферментация заводи

Мамлакатнинг Буюк келажаги сари қадам ташланг!

УАЗ
"ОСИЁ-ВОЛГА"
МИНТАҚАЛАРАРО МАРКАЗИ
пул ўтказиш йўли билан қуйидаги автомобилларни:

УАЗ-31514-032	*УАЗ-31512*
УАЗ-31514-012	*УАЗ-3909*
УАЗ-31514-031	*УАЗ-3962*
УАЗ-31512-027	*УАЗ-2206*

ва уларнинг эҳтиёт қисмларини СОТАДИ.



Шошилинг, нархлари энг арзон!

Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-А.
Тел/факс (3712) 41-52-41, 41-58-51, 36-00-08.

«МЕРИДИАН-А» *фирмаси*
ISTIQLOL
табиий ва шифобахш
«Истиқлол»
Тошкент маъданли сувини таклиф этади.
Сиғими-1,5 литр, пластмасса идишда.
Ҳақ тўлаш шакли - пул ўтказиш йўли билан
Маҳсулотларни сотиш бўйича дистрибьютерлар ва агентларни ҳамкорликка чорлаймиз.

Манзил: Тошкент тумани, Тулабей жамоа хўжалиги, Собир Зокиров кўчаси, 3-уй.
Мўлжал: «Тошкент минерал сувлари» санаторийси
Телефонлар:* *(3712) 45-98-28, 78-12-57, 30-40-93.